

**ИНФОРМАТИКА ВА АТ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

З.К.Ильясова – доцент, Г.А.Шаниязова – 1-курс магистранти

Ажгиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
РЕСУРСОВ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ ИНФОРМАТИКИ И ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

З.К.Ильясова – доцент, магистрант 1-курс

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

**ADVANTAGES OF USING ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES IN
TEACHING COMPUTER SCIENCE AND INFORMATION TECHNOLOGY**

Z.K.Ilyasova – docent, 1st year master's student

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Аннотация. Замонавий таълим тизимида электрон таълим ресурсларининг роли ҳар хил фанларда, хусусан информатика ва ахборот технологиялари фанларини ўқитишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Электрон таълим ресурслари ўқувчиларга замонавий билимларни олиш, ўқитиш жараёнини самарали ташкил қилиш ва таълим сифатидаги ўзгаришларни таъминлаш имконини беради. Ушбу мақолада Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг асосий афзалликлари кўриб чиқилади.

Аннотация.

Роль электронных образовательных ресурсов в современной системе образования очень важна в различных дисциплинах, в частности в преподавании информатики и информационных технологий. Электронные образовательные ресурсы позволяют ученикам приобретать современные знания, эффективно организовывать учебный процесс и обеспечивать изменения в качестве образования. В данной статье рассматриваются основные преимущества использования электронных образовательных ресурсов при преподавании информатики и информационных технологий.

Annotation. The role of electronic educational resources in the modern education system is very important in various disciplines, in particular in the teaching of computer science and information technology. Electronic educational resources allow students to acquire modern knowledge, effectively organize the educational process and ensure changes in the quality of education. This article discusses the main advantages of using electronic educational resources in teaching computer science and information technology.

Калит сўзлар: Информатика ва ахборот технологиялари, ахборот-коммуникация технологиялари, таълимни рақамлаштириш, электрон таълим ресурслари, интерактивлик ва фаоллик, индивидуаллаштириш, молиявий самарадорлик.

Ключевые слова: Информатика и информационные технологии, информационно-коммуникационные технологии, цифровое обучение, электронный образовательный ресурс, интерактивные и информационные технологии, индивидуальное обучение, финансовая эффективность.

Keywords: Computer science and information technologies, information and communication technologies, digital learning, electronic educational resource, interactive and information technologies, individual learning, financial efficiency.

Замонавий ахборотлашган жамиятида руй бераётган ўзгаришлар таъсири остида нафақат шакллар, балки мактаб таълими мазмуни ҳам қайта кўриб чиқилмоқда. Бу ҳар қандай инсон фаолиятининг ажралмас қисми бўлган ахборот оқимининг кўпайиши билан боғлиқ. Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда, ўқув ва мулоқот қобилиятларини шакллантиришда информатика бошқа ўқув фанлари билан бир қаторда муҳим рол ўйнайди.

Таълим муассасалари рақамли ўқув жараёнини компьютер технологиялари ва дастурий таъминотнинг энг сўнгги янгиликлари билан таъминлаш муаммосига дуч келмоқдалар, бу тегишли ахборот хизматини таъминлаш учун катта моддий ҳаражатларни талаб қилади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим жараёнига электрон таълим ресурслари (ЭТР)ни жорий этиш таълимни рақамлаштириш муаммоларини ҳал этишга кўмак беради.

Ушбу мақолада информатика ва АТ фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг асосий афзалликлари кўриб чиқилади.

Республикамиз умум ўрта таълим мактабларига Информатика ва ахборот технологиялари (АТ) курси жорий этилганидан буён мактаб информатика фанининг шаклланиши жараёнида тушунчалар, таълим стандартлари, дастурларнинг доимий ўзгариши билан тавсифланади. Бу информатика фан сифатида жадал ривожланиши ва кўплаб одамларнинг амалий фаолияти, ахборот-коммуникацион технологияларининг техник таркибий қисмининг доимий такомиллаштирилиши билан боғлиқ.

Янги таълим стандартлари, давлат таълим дастурлари талаблари жорий этилиши билан, муаммолар ҳам ўзгаради. Ўқувчини индивидуал таълим йўналиши ва ўқув муҳитини кенгайтиришга йўналтиришда ўқитувчи учун тақдим этиладиган материаллар етарли бўлмаслиги мумкин. Бу шуни англатадики, ўқитувчи ўзи муаллиф ва дастурчи бўлиши керак. Бу эса, қўйидаги айрим муаммоларни келтириб чиқаради:

- ўқитувчи тармоқ хизматлари билан ишлашда етарлича ваколатларга эга эмас;
- ўқитувчилар ўртасида ўзлари яратган маҳсулотларни ўзаро алмашиш жуда кам йўлга кўйилган;
- ўқитувчилардан иборат бўлган кичик гуруҳларда лойиҳавий масалаларни ҳал қилиш тажрибаси мавжуд. Муаммо шундаки, бу ўқитувчилар гуруҳи доимий бир хил таркибдан иборат ва ҳамкорлик учун бошқа ўқитувчиларни жалб қилиш имкони йўқ;
- аксарият ўқитувчилар ўқув материалларини ишлаб чиқишдаги ҳамкорликни йўлга кўйишда кам ёки умуман тажрибага эга эмаслар.

Таълимни рақамлаштириш шароитида “Тескари таълим” технологияси элементларини электрон таълим ресурслари имкониятларидан фойдаланган ҳолда кундалик ўқув амалиётига фаол жорий этиш замонавий рақамли жамиятнинг янги талабларига жавоб беради ва ўқув жараёнини талабаларни ўз билим ва кўникмаларини яратишда фаол иштирок этиш деб ҳисоблаш имконини беради.

Ўз-ўзини ўқитиш маконини ташкил қилишнинг самарали воситаларидан бири электрон таълим ресурслари имкониятларидан фойдаланишдир. ЭТР ўқувчиларга замонавий билимларни олиш, ўқитиш жараёнини самарали ташкил қилиш ва таълим сифатидаги ўзгаришларни таъминлаш имконини беради.

Умум таълим мактабларида ўқитиладиган Информатика ва АТ фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш орқали қуйидагиларни беради:

1. Осон ва тез кириш.

Электрон таълим ресурслари ўқувчиларга интернет орқали 24/7 давомида материалларга кириш имконини беради. Бу, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнини ўз вақтида ташкил қилиш ва ўзларининг индивидуал ўқиш графикларига мослашиш имконини беради. Масалан, видеолар, интерактив тестлар ва онлайн курслар ўқувчиларнинг ўқишини осонлаштиради.

2. Интерактивлик ва фаоллик.

Электрон таълим ресурслари интерактив элементларни ўз ичига олади, масалан, симуляциялар, интерактив тестлар, форумлар ва жамоавий лойиҳалар. Бу, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириб, уларни ўқиш жараёнига жалб қилиш имконини беради. Интерактивлик, ўқувчиларнинг мавзуларни яхшироқ тушунишини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришини таъминлайди.

3. Индивидуаллаштириш.

Электрон таълим ресурслари ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини инобатга олиш имконини беради. Ўқувчилар ўз суръатлари билан ўқишлари, алоҳида мавзуларни қайта кўриб чиқишлари ва ўзларига мос материалларни танлашлари мумкин. Бу, ўқувчиларнинг кизиқишлари ва қобилиятларига мос равишда таълим бериш имконини яратади.

4. Янгиланиш ва замонавийлик.

Электрон таълим ресурслари тезкор янгиланиш имконини беради. Информатика ва АТ соҳалари доимий равишда ривожланиб боради, ва ЭТР орқали ўқувчиларга энг сўнгги маълумотлар, технологиялар ва методикалар билан танишиш имкони туғилади. Бу, ўқувчиларни замонавий талабларга мослаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

5. Молиявий самарадорлик

Электрон таълим ресурслари кўпинча анъанавий таълим материалларига қараганда арзонроқ бўлади. Ўқувчилар учун китоблар, журналлар ва бошқа материалларни сотиб олишдан кўра, онлайн ресурсларга обуна бўлиш ёки бепул ресурслардан фойдаланиш молиявий жиҳатдан самаралироқ. Шунингдек, таълим муассасалари учун ҳам ЭТРни жорий қилиш, ресурсларни тежаш имконини беради.

6. Технологик кўникмаларни ривожлантириш.

Информатика ва АТ фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг технологик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчилар, онлайн платформаларда ишлаш, программалаштириш муҳитлари билан танишиш ва рақамли алоқа воситаларини фойдаланиш каби кўникмаларни ривожлантириш имконини оладилар.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Информатика ва АТ фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш, таълим жараёнини самарали ва қизиқарли қилиш, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, индивидуаллаштириш ва замонавий билимларни олиш имконини беради. Шунингдек, ЭТРнинг жорий қилиниши, таълим муассасалари учун молиявий самарадорликни таъминлайди. Ушбу афзалликлар, электрон таълим ресурсларни умумий ўрта таълим мактабларида самарали тарзда қўллашни таъқоза этади.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-1

АДАБИЁТЛАР

1. Осин А.В. Электронные образовательные ресурсы нового поколения: Аналитическая записка. - М.: ИИТО ЮНЕСКО, 2011. - 12 с.
2. Kenesbaevna, Ilyasova Zuhra. "Characteristics of Teaching Theoretical Foundations of Informatics in the System of Pedagogical Higher Education." (2023).
3. Kenesbayevna I. Z. The Use of the Project Method to Develop Students' Information Competence //International Journal of Human Computing Studies. – Т. 3. – №. 10. – С. 24-26.
4. Сборник материалов участников Международного научно-методического симпозиума «Электронные ресурсы в непрерывном образовании» ("ЭРНО-2010"): Труды Международного научно-методического симпозиума. г.Туапсе. - Ростов н/Д: Изд-воЮФУ, 2010. - 472 с.
5. Ilyasova Z. Problems of teaching informatics in pedagogical universities //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 9.

